


**Усмон БЕК**

**МЕНИНГ  
ТОҒЛАРИМ**

Тошкент — 2004

Муаллиф ушбу китобнинг чоп этилишида яқиндан кўмак берган "Яшил ўтлоқ" фермер хўжалиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят бўлими мутасаддиларига миннатдорчлик билдиради.

30607  
10



© «Зарқалам», 2004 й.

## ҚҮЁШЛАНМОГИНИ ИСТАБ ...

Ярим тунда уйқуси қочиб кетган одам тонгнинг отишини орзиқиб кутади. Чунки ёришиб келаётган тонг аввал күнгилга нур олиб киради.

Таъбир жоиз бўлса шеърият ҳам кўнгил кўзидаги нурга ўхшайди. Фақатгина бу нурдан гоҳ қувончнинг, гоҳи дарднинг шуъласи тўкилади. Бу дард шундай дардки, айни пайтда дардингизга дармон бўлади. Бу қувонч шундай қувончки, юрагингизга булбул ин қўяди. Сиз йиглаб роҳат қиласиз, сиз кулиб ўзингизга сифмайсиз. Ўзига сифмаган одамни кузатганимисиз, ўзига сифмаган шоирни-чи?

Усмон Бек ўзига сифмайдиган шоирлар тоифасидан. У илк китобини «Бўсағадаги нур» деб номлади. Бунда рамзий маъно бор эди. Зотан унинг шеърлари ҳам Чотқол тоғ тизмалари ортидан тонгда кулиб чиқаётган қўёшнинг бир ҳовуч нурига ўхшайди. Унинг шеърларида шу тоғлар пойидан сизиб чиқаётган булоқларнинг тиниклиги бор. Гўзал ташбех, гўзал сўзда ўз ифодасини топган дард ҳам бор. Унинг бу машақатли йўлдаги сарбони ошиқлик, туғён, сим-сим дард, тўлқин-тўлқин қувонч.

Одатда шеър ортиқча шарҳни ёқтирумайди. Катта дарё пойига етиб борган ирмоқ сўроқсиз унинг бағрига кириб кетади. Усмон Бекнинг шеърларида ана шу ирмоқнинг шиддати бор. Биз Усмон Бекнинг илк шеърларини ўқиганимизда

унинг йўли суюмли шоиримиз Муҳаммад Юсуфга ўхشاши ҳақида айтгандик.

Сиз шоҳ гулсиз ўзингизни шаън тутиңгиз,  
Коронгида танишмаса шам тутиңгиз,  
Усмонларга ўзингизни танитингиз,  
Қасрингизга қарол бўлиб ёллансинлар!

Бу ҳолат, яна сатрларнинг булоқ сувидек қуюлиб келиши, халқона донишмандлик, хоксорлик билан айтилаётган тантилик, марданалик хусусиятлари тобора изчиллик кашф этмоқда. Шоир тобора етилиш жараёнига кириб бораётгандай:

Бошқалар қатори бу жажжи булоқ,  
Билмас манглайды не ёзиқлигини.  
Менимча дарёга айланганда ҳам,  
Йўқотмаса керак босиқлигини.

Орамизда булоқ ҳақида шеър ёзмаган шоир йўқ. Аммо унинг ёзгани бирортамизникига ўхшамайди.

Ирмоқ эдим, охири денгизга етиб келдим,  
Сиздайин малоҳатда тенгсизга етиб келдим,  
Муродга етдингми, деб сўрасалар, ҳа, дейман.

Муродга етмасам ҳам, мен сизга етиб келдим.

Мен Усмон Бекнинг фикрлаш тарзида мумтоз адабиётимизга яқинликни кўраман. Тўғри турли кашфиётлар, «изм»лар кириб келаяпти. Янгиликка уринишлар яхши. Прогрессимиз учун хизмат қиласа бош устига. Халқ уни қабул қилаяп-

тими, тушуняптими, гап ана шунда. Янгилик-нинг баҳоси шу билан ўлчанади. Баъзан адабиёт аҳлиниң ҳам тиши ўтмайдиган топишмоққа айланиб кетган шеърларни ҳалқ қабул қила оладими? Устоз Асқад Мухтор айтадилар: «Мумтоз адабиёт шундай улкан денгизки, у бир шовуллаб кўтаришганда ҳар қандай элга сингишмаган «изм»ларни қирғоққа чиқариб ташлайди». Менга Усмондаги фикри кенглик, теранлик ёқади:

Бани одам, бани одам,  
Сен ўзингни тани одам.  
Ўзингникини йиғлатма,  
Кулдириб ўзгани одам.

«Махтумқули сўйлар тили туркманнинг» дейди туркманнинг қарқарали дарёси Махтумқули. Мен ҳам Усмон Бекни ўзбекнинг сўйлар тили, дилига айланмоғини орзу қиласман. Чунки, элликка етиб-етмай, гуркираган фаслида бу дунёни тарқ этган ўзбекнинг буюк шоири Шавкат Раҳмоннинг шундай сатрлари, фикри бор:

«Ватанимизни янада қад кўтармоғи «асл ватан» бўлмоғи учун ҳали юзлаб овози тошларни ёрат куйчилар, шоирлар керак».

Усмон Бекни ана шу Шавкат орзу қиласган, васият қиласган «овози тошларни ёрат куйчилардан» бирига айланмоғи, ҳалқининг қувончу қайгуларига томир-томири билан бойланмоғи, шеъриятимиз осмонида чарақлаб қуёшланмоғи, ойланмоғини истаб,

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири



Юлдузлар муз ялар чўққиларидан,  
Ёзда ҳам қорбўрон ўйнайди қуюн.  
Минг бир китоби бор ўқиладиган,  
Битта варогини ўқолсанг суюн.  
Кунда айлансанм-да, кўнглим тўлмаган,  
Менинг тоғларимни ҳеч ким кўрмаган!

## БУЛОҚ

Чотқолда бор шундай мұйжаз бир булоқ,  
Шу қадар тиниқки, кундай беғубор.  
Сойлардек қирғоқлар юзини юлиб,  
Хайқирмоқдан қилас бу булоқча ор.

Ненидир чулдираб, ненидир ўйлаб,  
Хеч кимнинг дилига солмай хавотир.  
Серсавлат қоялар тагидан ўтар,  
Пинагин бузмай бу жажжи баҳодир.

Унга йўл кўрсатар ёқаларига,  
Бошчасин яшириб олган отқулоқ.  
Ҳатто тоғнинг совуқ бақаларига,  
Енгил таъзим қилиб ўтар бу булоқ.

Асрлар юзига ажинлар солган,  
Кекса харсангтошлар унга йўл берар.  
Шунда ҳам булоқча ҳовлиқиб кетмас,  
Буюклар пойига бошини эгар.

Бошқалар қатори бу жажжи булоқ,  
Билмас манглайда не ёзиқлигини.  
Менимча, дарёга айланганда ҳам,  
Йўқотмаса керак босиқлигини.

## БОҚ

Ранги бир таъми бўлак,  
Сут ила айронга боқ.  
Йўл бошқа, бошқа йўлак,  
Адашган карвонга боқ.

Ўлмасин сўзим десанг,  
Худо бер тўзим, десанг,  
Тинмасин қўзим десанг,  
Томгамас, нарвонга боқ.

Сўз баҳтинг олий одам,  
Бу битмас бойлик одам,  
Лутфинг чиройлик одам,  
Лутфи йўқ ҳайвонга боқ.

Бир лабни ўртаб қайғу,  
Бир лабни безар кулгу.  
Иккисин комидаги,  
Мен каби ҳайронга боқ

## БОРМИ?

Ирмоқнинг охири уммон,  
Уммоннинг охири туман,  
Саҳронинг охири чаман,  
Охири йўқ нарса борми?

Зафардан сўнг мағлубият,  
Яна омад-мамнуният,  
Етдим қилган эдим ният,  
Охири йўқ нарса борми?

Яралмишнинг сўнги қазо,  
Гуноҳкорни кутар жазо,  
Сулҳ, яраш, яна низо,  
Охири йўқ нарса борми?

Кулдим, сўнгиди йигладим,  
Кўзинг ўнгиди йигладим,  
Тангрим сен айт, мен билмадим,  
Охири йўқ нарса борми?

## FУРУР

Турфа ҳар жонзотнинг одату феъли,  
Камалакнинг турли ранглари янглиғ.  
Бетини ҳафтада бир чайса лўли,  
Ҳар лаҳза таҳорат қиласиди балиқ.

Мажнунтоллар мангу саждага кетган,  
Офтобнинг кўзига қаролмайди тик.  
Ўн-ўн беш йил аввал биз ҳам афтода,  
Мажнунтолсифат бир кимсалар эдик.

Йўқ, чидайолмадик, тизлар шилинди,  
Қамчилар зарбидан қотди яғринлар.  
Бу ёруғ кунларга кимлар илинди,  
Қабоҳат қаърида қолди айримлар.

Юртнинг шўр тупроғи кўз ёш таъмими,  
Ҳа, у ювилмаган, оқди кўп сувлар.  
Биз бугун бепарво юрган заминни,  
Бошига кўтариб ётибди улар.

Шундай мард ва хоксор зотлар наслимиз,  
Бонг урсак арзийди оламга қараб.  
Қани кимдан каммиз, айтинг, қайсимиз?  
Етти иқлимда йўқ ўзбекка тараф!

\* \* \*

Менинг ношодлигим шодларга айтманг,  
Фанимим охлару додларга айтманг.

Ишонманг, сўйлаюр бир кун қудуқлар.  
Бекарор сабо-ю бодларга айтманг.

Бечора чўзолмас бечорага қўл,  
Ўзи малҳамталааб зотларга айтманг.

Айтсангиз айтинг табиб ё шоҳга.  
Пиёда олдида мотларга айтманг.

Мен айтдим сизга ўзимни билиб ёр.  
Эй дўст, сиз яхшиси ётларга айтманг.

## ЎЗБЕКИСТОН ТОҒЛАРИ

Тоғда билинмайди чўққи виқори,  
Унинг салобатин тушгач биламиз.  
Ерда ўтирганда чўпондек ҳориб,  
Юксак қояларга ҳавас қиламиз.

Бизларни тўсгайдир мана шу тоғлар,  
Ўткинчи шамолу, қор, ёмғирлардан.  
Ўзга ўлкаларни сув босган чоғлар,  
Миннатдор бўламиз баланд қирлардан.

Биринчи қалқондир улар биз учун,  
Асрар ҳам экинни, ҳам молу жонни.  
Ҳис қилмоқ бўлганлар қудрату кучин,  
Тоғларига боқсин Ўзбекистонни!

## ТУГАМАЙДИ САВОЛИМ

Нечун менинг қүёшимни  
булутлар тұсаверар?  
Нечун менинг гулзоримда  
тиканлар ўсаверар?  
Нега менга гуллар змас,  
илонлар бўса берар?  
Қитмир қисмат жавоб бермас,  
тугамайди саволим.

Ҳалол шабнам, беғуборим,  
ғаним борми сенда ҳам,  
Бир кун бегам яшамоқлик,  
насиб этарми менга ҳам?  
Нега менинг рақибим кўп,  
нега менинг дўстим кам?  
Қитмир қисмат жавоб бермас,  
тугамайди саволим.

Қайғуларим қизғанаман,  
ҳатто туққан онамдан,  
Аламларни ичга ютмоқ,  
менга юққан онамдан,  
Ёлғиз Оллоҳ хабардордир,  
унсиз чеккан ноламдан,  
Қитмир қисмат жавоб бермас,  
тугамайди саволим.

\* \* \*

Ёзверсанг ейилар қалам,  
Яшайверсанг тугайди умр.  
Менга ёмон қиласы алам,  
Онам ўлса ким күзим юмур?!

Илк бор мени қучган зот шудир,  
Мени деса учған зот шудир.  
Тангри бетоб қиласы онамни,  
Тинч қалбимга туширма жимир.

Мени күплар суяр, биламан,  
Фақат онам куяр, биламан.  
Гар йүқтесем нима қиласын,  
Мен ёлғизман, онажоним бир!

## САЕХАТ

Кездик яйдоқ қирларни,  
Икки ошна.  
Бирам сулув, дуркун бу-  
Тоғу тошлар.

Шўх сувларнинг шўнгидик,  
Муз бағрига.  
Ёз чиллада йўлиқдик,  
Куз қаҳрига.

Тоғ олифта зотларни,  
Суймас экан.  
Кўк кўз ёшин бу ерда,  
Тиймас экан.

Арчаларнинг тагида,  
Дилдирадик.  
Бир-бировга лек сир-бой,  
Билдирмадик.

Қайтдик мовий оламга,  
Тўлди юрак.  
Мангу тоқقا етаклар,  
Бўлди юрак.

## КИНОЯ

Пулдор, бир кун давлатинг тугар,  
Балки кетар қўлингдан мулклар.  
Тиш тўкилар, қолади милклар,  
Менинг шеърим — битмас давлатим.

Мол-дунём йўқ, туним хотиржам,  
Зар топурман уйқум қочирсам,  
Сен дунёнгни ўйлаб сочурсан,  
Менинг шеърим — битмас давлатим.

Супрам — қофоз, уним сўз эрур,  
Бола — чақам, иним — сўз эрур,  
Сўзим ҳалол ризқу рўз эрур,  
Менинг шеърим — битмас давлатим.

Топ-чи ҳеч ким айтмаган калом,  
Сўнг соянгга берурман салом.  
Сенга гапим тугади, тамом,  
Менинг шеърим — битмас давлатим.


## **ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМ**

Сиз меҳнат одами содда, жайдари,  
Иш деса елимдек ёпишқоқларим.  
Ялқовдан ўн қадам юрасиз нари,  
Менинг азизларим, ҳамқишлоқларим.

Феълингиз кенг сизни далалар каби,  
Кўнглингиз беғубор болалар каби,  
Чехрангиз тиникдир лолалар каби,  
Менинг азизларим, ҳамқишлоқларим.

Айтинг-чи, ким сизга таҳсин айтмаган,  
Таърифингиз қайси насим айтмаган,  
Арз бўлса эшитган, арzin айтмаган,  
Менинг азизларим, ҳамқишлоқларим.

Менга қалам берди мана шу тупроқ,  
Уни ўзимдан ҳам севаман кўпроқ.  
Ҳамиша сизларга очаман қучоқ,  
Менинг азизларим, ҳамқишлоқларим.



## МУСОФИР СОФИНЧИ

Бу қамишлар баланд, аммо салқини йўқ,  
Бу танишлар ичра асло яқини йўқ.  
Бу боғларнинг қушлари кўп шовқини йўқ,  
Суронларни, садоларни қўмсаяпман.

Қани отам, қани менинг мунглиғ онам,  
“Қақа беринг” деб чопгучи инжиқ болам?  
Чиқардими ё яна бир қилиқ болам,  
У қилгувчи “хато”ларни қўмсаяпман.

Бу юртларни султони ҳам таъматалаб,  
Тамшанишиб, туришади лабни ялаб,  
Жон ўзбегим, гадонгга ҳам йўқдир тараф,  
Ўша танти гадоларни қўмсаяпман.

Ярашмади эгнимга ҳам ёт матолар,  
Ёт матолар, дастларингдан дод, матолар...  
Қани чопон, қийик, дўппи, жон атолар,  
Онам тиккан сарполарни қўмсаяпман.

Бу қамишлар баланд, аммо салқини йўқ,  
Бу танишлар ичра асло яқини йўқ.  
Бу боғларнинг қушлари кўп шовқини йўқ,  
Суронларни, садоларни қўмсаяпман.

## АГАРДА

Нималарни тортиқ этмайди ҳаёт,  
Шай турмоқ лозимдир зарбаларига.  
Бош чангллаб қолмай топардик нажот,  
Агарда ўхшасак асаларига.

Биревни чаңса у қолмайди омон,  
Чунки озор бермоқ ёмондан ёмон.  
Қийналиб юрмасди юракда виждон,  
Агарда ўхшасак асаларига.

Одамлар, одамлар, қизиқ бир қавм,  
Қистарлар бир-бирга берса бир совун.  
Балки тинчирмиди бу дунёи дун,  
Агарда ўхшасак асаларига.

Кўл силтаб бўлсайди бари-бариға,  
Кимнидир зўрига, кимни зарига.  
Беркиниб олардик гулнинг бағриға,  
Агарда ўхшасак асаларига.

## МАДАМИНБЕК ИЗТИРОБДА

Бек эдим-а, мағрур боши хам бўлмаган,  
Шер эдим-а, кипригига нам қўнмаган,  
Сор эдим-а, эрксизликка ҳеч қўнмаган,  
Ёвга тутқун қиласи бўлдинг қор кўчкиси.

Булутларнинг бетин ўпган Суғурқоя,  
Изтиробим ҳозир сендан оғир қоя.  
Тарқамасдан юртим босган қизил соя,  
Ёвга тутқун қиласи бўлдинг қор кўчкиси.

Арғумоғим сезган экан фалокатни,  
Хаёлимга келтирмабман оқ офатни.  
Чекингандим кўрсатиб кўп талофатни,  
Ёвга тутқун қиласи бўлдинг қор кўчкиси.

Такаббурлик қилди Эргаш олмади сўз,  
Шермуҳаммад бўлак йўлга қадади кўз.  
Кўз тикканди ғалабамга минг-минглаб кўз,  
Ёвга тутқун қиласи бўлдинг қор кўчкиси.

Тангрим элим эркни энди сўрсин сендан,  
Ювиқизлар изин ўчир Туркистондан.  
Қондошларим ўксимасин билмай мендан,  
Мени ёвга тутқун қилди қор кўчкиси.

## **НАВОЙ**

Минг йилда бир келди ҳазрат Навоий,  
Килмади ҳеч кимга ҳасрат Навоий.

Кимлардир кутдилар ундан ҳам таъзим,  
Худога юкунди фақат Навоий.

Топмади сийм ила ганждан фарофат,  
Жонни қийнаб топди роҳат Навоий.

Кургани жабр ила озорлар бўлди,  
Барига айлади тоқат Навоий.

Шу боис тиллардан тушмайди номи,  
Эл айтган ҳар калом, оят Навоий.

Биз каби нонталаб, шеърфурушларга,  
Ибрат бўлса эди шояд Навоий.

## ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

Янги йилга эски ўйлар билан кирманг,  
Янги истак, яхши ният билан кириңг.  
Қорбобони олдида қош үйиб турманг,  
Очиқ чехра, самимият билан туриңг.  
Сизга боқиб Қорқиз кўзи толиб кетсин,  
Эски ғамлар эски йилда қолиб кетсин.

Кўп ўйламанг қайтмайди бой берганингиз,  
Кўрганингиз қолди уни, кўрганингиз.  
Дил увушиб, юрак ўртаб турганда ҳам,  
Қоматни тик тутмоқликни ўрганингиз.  
Енга олмай ташвиш сиздан нолиб кетсин,  
Эски ғамлар эски йилда қолиб кетсин.

Мана арча, йилдан-йилга яшнайди у,  
Зотан, бизга уч-тўрт ҳисса яшайди у.  
Отам тенги бўлса ҳамки бугун ёши,  
Икки яшар ўғилчамга ўхшайди у.  
Бизларга ҳам Ҳизр назар солиб кетсин,  
Эски ғамлар эски йилда қолиб кетсин.

Янги йилда ярашмайди кўзларга нам,  
Бу кун умр тиланг ҳатто душманга ҳам.  
Азроил-да, одамсифат бўлиб келса,  
Жонинг олмас, топганингни кўрсанг баҳам.  
Олса ҳам баҳт ёки шодлик олиб кетсин,  
Эски ғамлар эски йилда қолиб кетсин.

## АГАР...

Йигит құли тегмаган соchlар,  
Ойга бүйин этмаган қошлар,  
Теса агар менинг құлимга,  
Рози бўлар эдим ўлимга.

Йўқотмаса поклигини сув,  
Посбон кўзин босмаса уйку,  
Тоза қолса муқадлас туйғу,  
Рози бўлар эдим ўлимга.

Яшай деса яшаб зериккан,  
Арча каби яшнаб зериккан,  
Афзал билиб бундай хўрликдан.  
Рози бўлар эдим ўлимга.

Ўксимайман қамим тўлмаса,  
Ниятим шу гуллар сўлмаса.  
Онажоним бор-да, бўлмаса,  
Рози бўлар эдим ўлимга!..

## ЁМФИРГА ДЕГАНЛАРИМ

Хонам ойнасига тирмashiб,  
Йиғлаётган ёмғир, бўлма кўп хуноб.  
Ҳасрат этагига қолсанг илашиб,  
Тиланчидек ҳолинг бўлади хароб.

Булутлар қувдими, сени самодан,  
Ёки дўқ қилдими момоқалдироқ?  
Қўявер, бир куни олар Худодан,  
Тегишли жазосин ўша бақироқ.

Сен қадрлайди ўт-ўлан, гуллар,  
Биёбонлар сенинг қатрангга маҳтал.  
Менинг ҳам кўзимда томчилар кулар,  
Кумуш бўйу-бастинг кўринган маҳал.

Қани кир, уйимга, бўлайлик иноқ,  
Не етсин дўст дўстга етган онига.  
Ҳеч қачон кўчада қолмайди қўноқ,  
Келган бўлса ўзбек хонадонига.

## ТҮРТЛИКЛАР

Кулол менинг лойим хом қилган,  
Кимни дастёр, кимни хон қилган.  
Донни кўриб сомондан кечмам,  
Шу сомондир донни дон қилган.

\*\*\*

Бирорнинг ортидан бирор келади,  
Сахий куз тугаб қиши-қиров келади.  
Бир марта ўтмаймиз кўхна элакдан,  
Синовлар устига синов келади.

\*\*\*

На сувинг, на ошинг, на нонинг қолса,  
На бирор илинжу имконинг қолса,  
Куйма йўқотгану бой берганингга,  
Имкон топилгайдир, иймонинг қолса.

\*\*\*

Қайчидек қияди япроқларни куз,  
Гоҳ сочиб уяди япроқларни куз.  
Обдон тўкиб бўлиб, совуриб бўлиб,  
Ҳажрида куяди япроқларни куз.

## **БАЙРОК**

Менга айтинг, Ватан нима, тупроқми,  
Ёки танга тушган ларза, титроқми?  
Нега унда йўлга чиқсам йўл унмас,  
Юртдан кетиш шундай оғир қийноқми?

Ундаи бўлса қандай кетди хоинлар,  
Эй кетганлар ҳар қадамда тойинглар.  
Ковакларда мўр-малаҳдек тугарсиз,  
Ўзбекистон бўлмас сўнгги жойинглар.

Ҳилпираган сари баланд байробим,  
Дастасини маҳкам тутар бармоғим.  
Йўқ бу оддий мато эмас, шойимас,  
У менинг номусим, шаъним, ардоғим.

## СОЙ БҮЙИДА

Тошдан-тошга сакрар томчилар,  
Үйинқароқ кийикчалардек.  
Кумуш танлар сувга сочилар,  
Сочилиб кетсайдим алардек.

Лабларимни ялпизга босиб,  
Биллур сувга боқаман суқ-ла.  
Үйғоқ фақат ошиқ күзларим,  
Хатто, ҳатто юрагим ухлар.

Табиатнинг гўзал йигиси,  
Кўз ўнгимда бераяпти рўй.  
Зикр тушар ўзни унутиб,  
Бу томчилар бунча художўй?!

Ихлосим йўқ бир томчи қадар,  
Эй воҳ мен қандайин муслимман.  
Хайф, хайф, сендей зотга дегандек,  
Ниначилар учар устимда...

## БИТИРУВЧИ ҚҰШИФИ

Сенда танидим савод,  
Сенда очилди зеҳним.  
Сен бўлдинг менга қанот,  
Баланд шу боис меҳрим.  
Дурдан ортиқ садафим,  
Қадрдоним мактабим.

Гулойим ҳар бир опа,  
Мулойим ҳар бир опа.  
Юзда ҳам қаримасин,  
Илойим ҳар бир опа.  
Дуода доим кафтим,  
Қадрдоним мактабим.

Ака ҳар ўқитувчи,  
Танти, мард ўқитувчи.  
Тегмасин ўқувчига,  
Дейди гард ўқитувчи.  
Энтикар айтсам қалбим,  
Қадрдоним мактабим.

Не топсам сендан топдим,  
Гар чопсам сенга чопдим.  
Үн йил очган эшигим,  
Бугун сўнгги бор ёпдим.  
Хайр!,-титради лабим,  
Қадрдоним мактабим.

## ШОИР

Нурга шукронда бор ҳар ўсган гулда,  
Ниш урган ҳар гиёҳ меҳрга мойил.  
Эллик йилда келар, балки юз йилда,  
Ҳар куни дунёга келмайди шоир.

Ишқдан бегонанинг қилгани гуноҳ,  
Сўз бу девонанинг тилида оҳ-воҳ.  
Нимага шоирни яқин тутар шоҳ,  
Ҳар куни дунёга келмайди шоир.

Муҳаббат неларни қилмадинг бино,  
Лайлига Қайс қонин айладинг хино.  
Навоийни тинч қўй, кел, мени қийна,  
Ҳар куни дунёга келмайди шоир.

Асрлар келтирар бизгача дарак,  
Шунда бир силкиниб тушади юрак,  
Уни сийлаш керак, ардоқлаш керак,  
Ҳар куни дунёга келмайди шоир.

## ҚОР ҚҮШИГИ

Ҳали күзлар ўнгидა,  
Куз кулгуси ўчмасдан,  
Ҳали эринчоқ қушлар,  
Иссиқ юртга кўчмасдан,  
Овлоқ тоғлар палтосин,  
Тугмасини ечмасдан,  
Юзга қўнса бир лаҳза,  
Турмайдиган қор ёғди.  
Терлаб-пишиб, мириқиб,  
Курайдиган қор ёғди.

Қор бу-оқлик, софлиқдир,  
Ниятларинг айтиб ол,  
Кимга ўчу ёмонлик,  
Софинсанг гар қайтиб ол,  
Қор нималар деяпти,  
Қўшиғига қулоқ сол,  
Ҳамма уйда, ҳол-аҳвол,  
Сўрайдиган қор ёғди,  
Терлаб-пишиб, мириқиб,  
Курайдиган қор ёғди.

## МЕНИНГ ТОҒЛАРИМ

Ўзбекистон Миллий боғи ходими  
Хурсан МАТКАРИМОВга

Юлдузлар муз ялар чўққиларидан,  
Ёзда ҳам қорбўрон ўйнайди қуюн.  
Минг бир китоби бор ўқиладиган,  
Битта варогини ўқолсанг суюн.  
Кунда айлансанм-да, кўнглим тўлмаган,  
Менинг тоғларимни ҳеч ким кўрмаган!

Бу ерда бегона юракка ғашлик,  
Чарчагунча югур, тўйгунингча ёт.  
Асло дов-дараҳтга қилма пасткашлик,  
Милтиқ эмас кўнглинг гулларини от.  
Сумбулада энди бодом гуллаган,  
Менинг тоғларимни ҳеч ким кўрмаган!

Жонимдан ўсгандур ҳар бир гиёҳи,  
Ҳар битта тошига товоним тегар.  
Воажаб, менга ҳам ҳайриҳоҳ чоғи,  
Оҳ урсам қоялар изтироб чекар.  
Хали бунақаси бўлган, бўлмаган  
Менинг тоғларимни ҳеч ким кўрмаган!

Недир сўрамоқчи бўлсанг кел, дўстим,  
Ахир бу даргоҳлар Худога яқин.  
Фаришта кийиклар тиласа тўзим,  
Уларни ҳуркитиб юборма тагин.  
Ёмон ўйга борма, улар ўлмаган,  
Менинг тоғларимни ҳеч ким қўрмаган!



## НАВРҮЗИМ

Кимлар сийлаб, кимлар туртган Наврүзим,  
Сумалаги қонлар ютган Наврүзим.  
Келишингни кутмаганлар бошқалар,  
Элим сенга доим интиқ, Наврүзим.

Фунчаларнинг қатларига жойлаган,  
Сирларингни еллар мудом пойлаган.  
Ишонмасанг сўра, совуқ ойлардан,  
Элим сенга доим интиқ, Наврүзим.

Турна ўтса, боқиб кўзи толмас эл,  
Гар ўтмаса кўкка қарай олмас эл.  
Жафокаш эл, меҳнатсевар, толмас эл,  
Ўзи сенга доим интиқ, Наврүзим.

Кел, келавер, ийманмагин, муnisам,  
Сен онамнинг яхши кўрган кунисан!  
Сен баҳорга туғишгансан, инисан,  
Элим сенга доим интиқ Наврүзим.

## СЕН МАНГУСАН

Эрк бу тоза нафас демақдир,  
Эрксизлар маймундек эрмакдир.  
Мустабидлар қўлидаги ҳар,  
Сония пушаймон емақдир.

Тушовсиз от қоқилмас дўстим,  
Хур Ватанда қоқилмай ўсдим.  
Бошимда синмади қамчилар,  
Кундан-кунга ўсмоқда кўксим.

Билки қўшнинг ухламай чиқар,  
Бедорлиги сенга ҳам юқар.  
Минг шукрки элимиз тотув,  
Бас, қай ғаним унга бош суқар?!

Ҳеч кимсадан йўқ мени гинам,  
Ишқинг билан лиммо-лим сийнам.  
Бизлар келиб-кетгувчилармиз,  
Сен мангусан-Ватанжонгинам.

## ЮЗГА ЧИҚДИМ

Фам-андуҳни унудиб,  
Юринглар, болаларим.  
Табассумдан гул тутиб,  
Кулинглар, болаларим.

Қилманг бир-бирга ҳасад,  
Савашманг қалтак ясаб,  
Бузилмасин ҳеч асаб,  
Кулинглар, болаларим.

Йиги кўрмасин ҳеч ким,  
Азадан ачир ичим,  
Мен кулиб юзга чиқдим,  
Кулинглар, болаларим!

## ҚАСАМ

Ҳануз ачинаман, нега гумроҳлар,  
Даврасида шеърлар ўқиганимга.  
Қайданам йўлиқди нодон ҳамроҳлар,  
Афсуслар чекаман туғилганимга.

Бўлмасмиди ахир ёлғиз яшасам,  
Дардимни бўлишмай, айтмайин сирим.  
Ҳеч ким қувонмасди, гулдек яшнасам,  
Ҳеч ким қидирмасди тирноқдан кирим.

Мен ахир боласи эдим деҳқонни,  
Қадоқ қўлда қандай ўйнасин қалам?  
Илтимос сен катта тишлама нонни,  
Отамдек қийналиб боқяпман, болам.

Ўтди, бари ўтди, инжа дамларим,  
Ялангоёқ юрган чоғларим-ёшлик.  
Бирор тергамасди, йўқдек камларим,  
Ҳаммага шоҳ эдим, ҳаммага бошлиқ.

Ҳаёт гувоҳ бўлдим, зўрлигингга мен,  
Ҳамма-ҳаммасини тан олаяпман.  
Қанча ботган бўлсам дилларга чукур,  
Шунча тез ўчяпман, йўқолаяпман.

Бирөвга баҳт берур бирөв ютган ғам,  
Ош деб ошаганинг оғудир баъзан.  
Менинг умрим сенга ибратдир болам,  
Менинг хатом сенга бўлолсин қасам.



## ЗОКИР ДҮХТИР

Катта уйда ёлғиз туради,  
Хеч кими йўқ Зокир дўхтирнинг.  
Доим бошин эгиб юради,  
Хеч кими йўқ Зокир дўхтирнинг.

Кўзмунчоқдек ити бор-Тўрткўз,  
Сенда одам диди бор Тўрткўз!  
Билганидан балки сени дўст,  
Хеч кими йўқ Зокир дўхтирнинг.

Фарзандидек осил бўйнига,  
Совқотса ёт кириб қўйнига.  
Аммо тегиб қўйма кўнглига,  
Хеч кими йўқ Зокир дўхтирнинг.

Дўсту ёrim элликдан ортиқ,  
Бўлсада тинч ололмам ҳордиқ.  
Дўстим йўқ-да, итидек содиқ,  
Хеч кими йўқ Зокир дўхтирнинг...

## ЧҮҚҚИГА КҮЗ ТИКСАНГ

Чүққига тирмашмоқ азалий орзу,  
Одамзот истаган буни доимо.  
У ердан қандайдыр нурафшон ёғду,  
Үзи томон чорлаб қиласди имо.

Күплар умрларин сарф қилди беҳуд,  
Тирмашди, тирмашди, фақат тирмашди..  
Сақлагани билан бу тоғлар сукут,  
Тобора осмон-ла бирлашди.

Истакнинг ортида турмаса рўёб,  
Пушаймонлар чекиб қалблар эзилар.  
Омад-да, ҳеч кимни қилмасдан тавоб,  
Юксакларга чиқиб қолар баъзилар.

Тирмасиб йиқилма, эй бани одам,  
Чүққига күз тиксанг, астойдил тикил.  
Аро йўлда қолма қаддинг бўлиб хам,  
Йиқилсанг юксакни забт этиб йиқил.

## ОДАМИЙЛИК

Шодлиқдан терига сифмай қоламиз,

Инсон деганлари жуда ғалати.

Шу заҳоти улфат топиб оламиз,

Одамнинг тафтини одам олади.

Гоҳо алиф қадни майштирап ғам,

Кимдир таскин берса топгай у барҳам,

Ҳар қандай кунни ҳам кўрайлик баҳам,

Одамнинг тафтини одам олади.

Аҳиллик яхшидир, яхшидир бирлик,

Бирликдан ҳам сози ҳамфикрлилик.

Баъзан ўз юрагинг қилас оғирлик,

Одамнинг тафтини одам олади.

Ёлғизлиқдан юргин ўн қадам нари,

Сен учун очиқдир дўстларнинг бағри,

Мехри қаторида бўлса ҳам қаҳри,

Одамнинг тафтини одам олади.

## ҚУТЛОВ

Нонсиз қандай кечаркин,  
Дастурхонларнинг ҳоли.  
Бир увоқча таъм бермас,  
Гулзорларнинг хуш боли.  
Омбор-омбор дон уюб,  
Элим, кулди иқболинг,  
Тандирингда жилмайган,  
Ширмойларинг муборак!

Кесакларда қоқилиб,  
Саҳарларда юргандинг.  
Қуёшни ҳам қитиқлаб,  
Тонгдан эрта турғандинг.  
Ёдимда йўқ, айт, қачон,  
Жилмайгандинг, кулгандинг,  
Бугун сени кулдирган,  
Бугдойларинг муборак!

Сен ҳамиша ҳалоллик,  
Тахтини безагансан,  
Қояларни эп билмай,  
Чўққини кўзлагансан,  
Лафзинг пок, аҳдда туриб,  
Мардона сўзлагансан,  
Жамолингга баҳт чизган,  
Чиройларинг муборак!

## ТЕМУР

Бир кунлик эл ҳашаридан бўйин товлаб,  
Юрган зотни кўрса кўнгил ўйга чўмур.  
Миллатимни кўтарай деб, белни боғлаб,  
То ўлгунча эл деб ўлди Амир Темур.

Тахтни ҳавас қилманг, тахтнинг юки оғир,  
Султонларнинг пайдадир неча олғир,  
Зукко бўлиш керак султон ҳамда моҳир,  
Йигирма беш ёшда амир бўлди Темур.

Ҳарбу зарбнинг ҳадисини олган ўғлон,  
Илму одоб бобида ҳам олқиш олган,  
Ҳўпласа-да от устида суву ёвғон,  
Ман-ман деган бедовларни минди Темур.

Туркий элим бош эгмасин, дерди султон,  
Туркий элга тош тегмасин, дерди султон,  
Хур юртида руҳи бугун шўху хандон,  
Ором топиб, яна отга минди Темур.

## ҲЕЧ КИМГА СУЯНМА

Турибди-ку тоғлар тиргаксиз,  
Тиргович ахтариб куйманма,  
Ниятингта етасан шаксиз,  
Ҳеч кимга, ҳеч кимга суянма.

Топинганинг бир худо бўлсин,  
Ишинг унга илтижо бўлсин.  
Пошто бўлсин, ҳоҳ гадо бўлсин,  
Ҳеч кимга, ҳеч кимга суянма.

Ўқдек тик тур камон олдида,  
Чопқиллаб юр замон олдида,  
Баҳт олдида, армон олдида,  
Ҳеч кимга, ҳеч кимга суянма.

Дараҳт каби қўпайса новданг,  
Қайси тиргак суюйди гавданг?!  
Пиширолмас ҳеч кимса савдонг,  
Ҳеч кимга, ҳеч кимга суянма.

Юкуниб тож кийгандан кўра,  
Мағрур Машраб тўнини сўра,  
Бу беш кунлик дунёда жўра,  
Ҳеч кимга, ҳеч кимга суянма!...

## УМР ЎРТАСИДАГИ КЕЧИНМАЛАР

*Mирсалим акага*

Сен ҳақда ножўя сўз айтса агар,  
Бирорта ҳамюртинг ёмон ботаркан.  
Инсоннинг инсони тотса ҳам заҳар,  
Бировнинг андуҳин тортаркан.

Отасин улуғлар фарзанднинг зўри,  
Отабезорининг қурисин шўри.  
У неки кўрсатса, экканин ўриб,  
Рўшнолик кўрмайин ўтаркан.

Бойлигинг бўлмасин, бўлмасин заринг,  
Ёнингда шай турсин биродарларинг.  
Иzzатин билмаслар сийлаган саринг,  
Сийла деб ёқангдан тутаркан.

Ҳазилми, ўраниб бемор халатга,  
Сендан мадад кутса бутун палата.  
Малҳамлар кўтариб халта ва халта,  
Кирсанг деворлар ҳам қутларкан...

Биров эзган дилни малҳами биров,  
Мана зулук сочга қўнди илк қиров,  
Ортга шундай назар солиб қўй бирров,  
Қилган яхшилигинг қайтаркан.

## ЛОЛА

Лола қандай дилга яқинсан,  
Шууримни ёритгувчи чўғ.  
Кўзимда ёш сенга талпинсам,  
Ахир сенга баробари йўқ!

Сенсиз қирнинг хусни ҳам ғариб,  
Баҳор узугига кўздексан.  
Сен яшил минбарга қизариб,  
Кўтарилган камтар ўзбексан!



## ИФТИХОР

Ким қанча яшайди, Худо билади,  
Кексалар олдида қиласман таъзим.  
Үзингдан икки ёш катта бўлса ҳам,  
Дилини оғритмоқ гуноҳи азим.

Отаси йўқларнинг тўйини кўрдим,  
Кўрдим мен онаси йўқлар азасин.  
Менинг устунларим-сиз экан кўрким,  
Сиздан айрилмоқдан Ўзи асрасин.

Сизлар бор-бировга ялинмадим мен,  
Сизлар бор-бир дардга чалинмадим мен.  
Чалинсан аёзда қолган куртакдек,  
Бир чимдим зиёга талпинмадим мен.

Дунё тургунича бўлингиз омон,  
Мен сизга тоғларнинг умрин сўрайман.  
Пойингиз остидан жилдираб ўтган,  
Жилғадек сизларга салом йўллайман.

## АГАР

Йигит күли тегмаган соchlар,  
Ойга бўйин эгмаган қошлар,  
Тегса агар менинг қўлимга,  
Рози бўлар эдим ўлимга.

Йўқотмаса поклигини сув,  
Посбон кўзин босмаса уйқу,  
Тоза қолса муқаддас туйғу,  
Рози бўлар эдим ўлимга.

Яшай деса яшаб зериккан,  
Арча каби яшнаб зериккан,  
Афзал билиб бундай хўрликдан.  
Рози бўлар эдим ўлимга.

Ўксимайман камим тўлмаса,  
Ниятим шу гуллар сўлмаса.  
Онажоним бор-да, бўлмаса,  
Рози бўлар эдим ўлимга!..

## БИР ОФИЗ СҮЗ

Гоҳ йүқлардан бор қилади, бир оғиз сүз,  
Гоҳ борга ҳам зор қилади бир оғиз сүз.  
Топиб айтсанг шоҳлар ўпар пешонангни,  
Қолиб айтсанг хор қилади бир оғиз сүз.

Одамлар бор тилларидан шарбат қуяр,  
Соқовни ҳам, моховни ҳам бирдек сурар.  
Кулган юзнинг ёғдусидан офтоб қуяр,  
Заифни ҳам нор қилади бир оғиз сүз.

Одамлар бор ўз уйига сиғмайдилар,  
Ўз тўйида, ўз базмида йиғлайдилар.  
Нега шундай, боисини билмайдилар,  
Кенг дунёни тор қилади бир оғиз сүз.

Суяксиз тил нелар демас қўйиб берсанг,  
Беклар бўлар боқмайди қўй сўйиб берсанг.  
Кўп сўзлама, Усмон, агар шоир эрсанг,  
Гар айттолсанг, кор қилади бир оғиз сүз.

## ХУДО АСРАСА

Еңду сочар бегараз қүёш,  
Оқиб ётар минг йилки дарё.  
Бахра олди миллионлаб жонзот,  
Эшиитмади миннатин аммо.

Күшнисига битта нон береб,  
Эртасига сўради одам.  
Демадики уят бўлмасми,  
Ким дер мени эртага олам?

Эҳсон сўроқ гап эмас асли,  
Эвазига олинмас жавоб.  
Берган хайрин айтган одамнинг,  
Охирати ободмас, хароб!

Бандамиизда, битса мол-дунё,  
Билмай босар-тусаримизни.  
Ўйламаймиз рўзи Маҳшарда,  
Сўз топмай ер чизаримизни.

Биз тепкилаб юрган Момо Ер,  
Ахир бўлар мангу бошпана.  
Эй зот, ўйлаб кўкрагингни кер,  
Ижарадир руҳ учун тана.

Мұхтожликка күпладаң келдим дүч,  
Мени жуда күплар құллади.  
Қишиң күнлари совуқ үчөгім,  
Үзи қуруқ чүплар құллади.

Аммо ерда қолған сүзларым,  
Учун асло тутмасман аза.  
Үлмас экан сүзи ўлса ҳам,  
Кимни агар Худо аспаса!

## МЕРОС

Ениб кетди тандир ёноғи,  
Не сүз айтиб эдинг алантага?!  
Кулчалар чидолмай түкилди,  
Занжидек исёнкор тананғдан.

Сиғмадинг юмалоқ мұхитга,  
Чиқдинг тилинг кесди ташқари.  
Мерос қолди қысқа умрингдан,  
Шоирларга ёниш машқлари.

## ВАТАНПАРВАР

Ғанимлар күл әркимизни күролмайды,  
Бири күрқитмоқчи бўлар, бири аврар.  
Ўзлари-чи, хур жамият қуролмайды,  
Озод юртни озод сақла, ватанпарвар.

Зиммангдадир юрт тинчлиги, эл тинчлиги,  
Элдан ола чиққани энг қўрқинчлиги,  
Бузилмаса бас, сен турган саф тинчлиги,  
Тафаккуринг тиғда чархла, ватанпарвар.

Ёшлар онги ёзилмаган қоғоздек оқ,  
Улар ҳар бир ишорангга турар муштоқ,  
Отилажак сен агарда очсанг қучоқ,  
Сен уларни қуч, қучоқла, ватанпарвар.

Ватан нима, бобонг қонлар ютган замин,  
Байроғини боланг баланд тутган замин,  
Шу тупроққа ҳамоҳангдир сенинг номинг,  
Ушбу номни доим оқла, ватанпарвар!

## **ХАЛЧА СОГУВЧИ**

Катталар келишди,  
Медал беришди.

Халча согувчи ҳам четда қолмади.  
Катталар кетишди, ошга етганда,  
Халча согувчининг бурни қонади...

“Мажлисга ҳам калиш киярми,  
Фаросатинг борми, ҳой”, -деди раис.  
Катталар олдида ўлдирдинг мени,  
Халча согувчини койиди раис.

Пиқирлаб кулишди туфли кийганлар,  
Бева согувчининг боши ҳам, ўсал,  
Турибди ер чизиб кўксига медал,  
Қиқирлаб кулишди туфли кийганлар.

Не қилсин раиснинг гапи ахир гап,  
Халча согувчининг дилида шу дод.  
Лек ичдаги шайтон турмади чидаб,  
Деди: «медалини еч, афтига от!»

Сигир соғавериб ёрилган қўллар,  
Нозик тўғноғични бўшатди зўрга.  
Минбарга жаранглаб тушганда медал,  
Раис орқасига тисланди қўрқа.

Йўқ, Халча юрмади раис томонга,  
Залдан чиқиб кетди бошин тик қилиб.  
Залдагилар қолди, бўғизларига,  
Халчага аталган қулгу тиқилиб.

Ана, келаяпти Халча соғувчи,  
У сигир соғишда ҳаммадан илғор.  
Медал беришганди, олмади ўжар,  
Унга медалдан ҳам қиммат номус, оп!



## ОНА

Қорлар ёғар, эриб кетар, ёғар яна,  
Күйма боқмай кетган баҳтга, боқар яна.  
Аммо қайтмас бугун кетган баҳор яна,  
Қайтмас ушбу баҳор билан кетгандар ҳам.

Тешик жомдек тұлмас күнгил, бу не алам,  
Мен санамга муштоқ, кимга муштоқ санам?  
“Ердан оёқ узма” дейди мушфиқ онам,  
“Юрибди-ку, ниятига етгандар ҳам”.

Онагинам, сиз нақадар оқиласиз,  
Шу боис ҳам ҳаётда күп қоқиласиз.  
Яхшига күн йүқ дердилар, эсиз, эсиз,  
Авлиёдан кам әмаскан ўтгандар ҳам.

Эй одамзот, бир-бириңни құлма таҳқир,  
Онанг битта! Шоҳ бўлсанг ҳам, бўлсанг фақир.  
Сен илтижо қил аёлга, уни чақир,  
Онага биш эккан кўкка етгандар ҳам.

## РОЛ

Күёш гүшангага қизариб,  
Кираётган күёвдек ботди.  
Кеча юлдузларни түшакдан,  
Чимчилаб, чимчилаб уйғотди.

Бироздан сүнг ёришди саҳна,  
Танга тутиб кетди ҳовлинини.  
Латифликка туширмай раҳна,  
Ой ўйнади келин ролини.



## ЎЛАН

Ўзга уйда ёнган шам биронники,  
Хазонга сен куйма у қировники.  
Ҳар кимсага енгилдир ўзин юки,  
Сен ўзингнинг юкингни ғамини е.

Ҳас кўмирнинг ўрнини боса олмас,  
Сув сиёҳдек чиройли ёза олмас.  
Ўргимчакка ўхшай деб кўплар ўлди,  
Ҳеч ким ундеқ ўзини оса олмас.

Ари ниши арига ёққан каби,  
Аччиқ сўзинг хуш менга оққанд каби.  
Дўстим менга қабоғинг уйиб боқсанг,  
Кўнглим чўкмас қишида қор ёққан каби.

Тиланчига бермагин тилаб олсанг,  
Ё биронни киссасин тўнаб олсанг.  
Тош бўлса ҳам татигай, ширмой каби,  
Ширин жонни чимчилаб, қийнаб олсанг.

Ўлан яхши, қирларга чиқиб айтсанг,  
Эркаланса сенга ҳар гиёҳ, майсанг.  
Ҳам ўзингни аллалар ўз ўланинг,  
Ҳам қирларни ўзингча аллалайсан.



Олий фазилатли инсонлар бисёр,  
Улардир ҳаётнинг зийнати, нақши.  
Босган изларига бўлганингда зор,  
Эй шоир, уларни эслаган яхши!

## ҲАР СҮЗИ ҲИКМАТ ЭДИ



қалби ҳам шабнам каби мусаффо эди.

Хушчақчақ одамлар сўзни букмайдилар. Улар учун мунофиқлик, иккиюзламачилик каби одатлар бегона. Топил ака сухбатдошининг ютуғини мардларча тан олишни, камчилигини эса ортидан эмас, бетига айтишни хуш кўради.

Бу инсоннинг айниқса ижодкорларга, қалам аҳлига ҳурмати баланд эди. Ҳаётлигигда қўлидан газета-журнал тушмаслигидан ҳам буни англаб олиш мушкул эмасди. Мен ана шундай самимият соҳиби билан икки-уч йил ёнма-ён хонада ишлаганимдан баҳтиёрман.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, матбуотчилар байрами яқинлашса, туман ҳокимлиги биноси бўйича биз журналистларни энг аввало Топил ака муборакбод этарди.

Бошқаларни билмадим-у, шоир учун ўқув-чининг далласидан қимматлироқ нарса бўлмаса керак. Топил ака шеърларимни жону дили билан ўқиб чиқар, шу заҳоти уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради. Ҳар бир сўзига ҳикмат жойлаб гапирадиган, билим, тафаккур доираси ниҳоятда кенг бу инсоннинг битта гапи ниҳоятда кўнглимни кўтарарди: “Шоир йигит, янгисидан борми?”...

Ана шундай фазилатларга бой инсон бугун орамизда йўқ. Орадан хийлагина вақт ўтди. Яхшими, ёмонми, анча-мунча шеърлар ёздим. Ҳар гал ёзган нарсамнинг сўнгги нуқтасини қўйганимда, кимгадир ўқиб бергим келади. Шу тобда кўз ўнгимда раҳматли Топил ака Холтоевнинг кулимсираб турган сиймоси гавдалангандек бўлаверади....

## САВОЛ

*Топил ака хотирасига*

Замин гурсилларди ахир у юрса,  
Чақмоқ чаққандайин гүё самодан.  
Шундай бўладими Худо буюрса,  
Қандай ерга сиғди тоғдайин одам?

Наҳот чўққилар ҳам бир кун нураса,  
Омон қолмайдими қорин курасак?  
Ер ҳам инграпр экан чўққи қуласа,  
Қандай ерга сиғди тоғдайин одам?

Не устун дунёда дардми ё дармон,  
Қай бири зиёда, баҳтми ё армон,  
Айтарди гар бўлса ҳазрати Луқмон,  
Қандай ерга сиғди тоғдайин одам?

Ишонгим келмас-у, ёнимизда йўқ,  
Йўқ десам юрагим ураг менга дўқ,  
Теварагим олов, теварагим чўғ,  
Қандай ерга сиғди тоғдайин одам?



Бошида минг хаёллар,  
Мудраб борар аёллар.  
Келса ҳамки малоллар,  
Тирикчилик ташвиши..

## БОЗОРДАГИ АЁЛЛАР

Үтдан чүкә отади,  
Тирикчилик ташвиши.  
Асабларни тортади,  
Тирикчилик ташвиши.

Бошида минг хаёллар,  
Мудраб борар аёллар.  
Келса ҳамки малоллар,  
Тирикчилик ташвиши.

Темир ҳам бир кун ҳорир,  
Уни ҳам жони оғрир.  
Автобусдан-да оғир,  
Тирикчилик ташвиши.

Кўлайсин деб йўловчи,  
Олазарак ҳайдовчи.  
Эҳ, нетсин, тиндирмовчи-  
Тирикчилик ташвиши...

\* \* \*

Ажаб бўйу бастидан,  
Йўлбарслар хуркади.  
Эрлар турмуш қўшини,  
Аёлларга тиркади.

Кезар бозорма-бозор,  
Күтариб қоп, халталар.  
Үұ тортса аёл зоти,  
Бўғзимга жон қадалар.

Бозор, тумонат одам,  
Фаминг бирор чекмайди.  
Аёлга бирорта мард,  
Ердам берай демайди.

Тунда қайтар уйига,  
Елкалари майишиб.  
Хув, номингга ўт тушсин,  
Тирикчилик ташвиши...

\* \* \*

Бор шундай бебурд каслар,  
Майда-чуйда сотади.  
Онаси тенгиларга,  
Пичинг гаплар отади.

Эшитмаганга олар,  
Аммо титрар ожиза.  
Атрофига аланглаб,  
Паноҳ қидирар ожиза.

\* \* \*

Эрлар буни билмайди,  
Балки парво қилмайди.  
Аёллари бозорда,  
Хақдан нажот тилайди...

Күрсайдим ҳар аёлни,  
Үксишмас, жилмайишн.  
Хув, номингга ўт тушсин,  
Тирикчилик ташвиши...

\* \* \*

Юк эзив жигарини,  
Сўлди битта муштипар.  
Автобус туртиб кетиб,  
Ўлди битта муштипар.  
Кўкка боқиб “ой” деймиз,  
Аёлга на ҳой, деймиз.

Барча кўсту айбимиз,  
Кўргиликка йўйамиз.  
Куйиб, ўртанамиз-кеч,  
Бош чанглаб қўямиз.  
Ёрни қоши ёй, деймиз,  
Аёлга на ҳой, деймиз...

\* \* \*

Оналар, опажонлар,  
Уйда тартиб ўрнатинг.  
Олди-сотди қилишни,  
Эркакларга ўргатинг.

Сиз турмуш зийнатисиз,  
Сиз номус чимматисиз.  
Рўзгорда, малоҳатда,  
Ўзингизни кўрсатинг.

Болани эр туғмаган,  
Ва тилини уқмаган.  
Куни билан йиглаган,  
Болангизни юпатинг!

Топиб келсин эрингиз,  
Етар, тўқкан терингиз.  
Ўғлингиз уйлантириб,  
Қизингизни узатинг.



Икки юзинг лов-лов ёнар,  
Кузларингда олов ёнар.  
Нозларингдан меҳрим қонар,  
Ноз қиласвер, нозаниним.

## БАХТ

Сен офтобсан, мен кунгабоқар,  
Кулишларинг менга хўб ёқар.  
Лабларингдан қуй ширин соғар,  
Бундан ортиқ баҳт йўқ мен учун.

Буюр сен деб югуриб юрай,  
Хуш нафасдек уфуриб юрай,  
Саройингни супуриб юрай,  
Бундан ортиқ баҳт йўқ мен учун.

Қўлинг ушлаб Ҳизирим дейман,  
Барча тавба узримни дейман,  
Ёр деб куйсам сиз менга куйманг,  
Бундан ортиқ баҳт йўқ мен учун.

Ишқдир асли энг пок ибодат,  
Севмаганлар билмас не роҳат,  
Чин ошиқлар бўлса саломат,  
Бундан ортиқ баҳт йўқ мен учун.

## **ХОҲЛАМАСАМ, ХОҲЛАСАМ...**

Ирмоқ эдим охири, денгизга етиб келдим,  
Сиздайин малоҳатда тенгсизга етиб келдим.  
Муродга етдингми деб, сўрасалар ҳа, дейман,  
Муродга етмасам ҳам, мен сизга етиб келдим.

Истасангиз дилпора дилимни кўрсатаман,  
Дилхўрлардан қолган бир тилимни кўрсатаман.  
Меҳру муҳаббат асли нелигин кўрмай ўтдим,  
Муҳаббат не десалар, зулмни кўрсатаман...

Сиз эса иззатлардан, икромлардан задасиз,  
Қатида таъмаси бор инъомлардан задасиз.  
Билсангиз айтингиз-чи, кўмак берганлар ичра,  
Худодан бошқа кимнинг марҳамати зардасиз?!

Қанийди соchlарингиз кафтиmdа тароғласам,  
Йўқотган хушларимни улардан сўроқласам.  
Ихтиёrim тизгини қўлингиздадир, санам,  
Мен сизнинг қулингизман, хоҳламасам,  
хоҳласам...

Ирмоқ эдим охири, денгизга етиб келдим,  
Сиздайин малоҳатда тенгсизга етиб келдим.  
Муродга етдингми деб, сўрасалар ҳа, дейман,  
Муродга етмасам ҳам, мен сизга етиб келдим.

## ОХИРИ...

Юраверди у лоқайд,  
Мен-чи мудом пайида.  
Тўйиб боқгим келган пайт,  
Қарамади Саида.

Қалам унинг қошлари,  
Зим-зиёдир соchlари,  
Бармоғимда уларни,  
Тарамади, Саида.

Дилим эди бут-бутун,  
Яримта бўлди бугун.  
Кипригиди бағримни,  
Яралади, Саида.

Ойдир унга дугона,  
Биз кабилар бегона.  
Оқшомлари осмондан,  
Мўралади Саида.

Охири эй қиз дедим,  
Ишқ сенга эсиз дедим.  
Жимиrlамади этим,  
Ҳатто унинг тўйида!..

## МАЙЛИ НИМА БҮЛСА ҲАМ

Тонг елига түймаган,  
Япроқларни севаман.  
Япроқларни ўйнаган,  
Титроқтарни севаман.

Сенга нима ёқади,  
Шу ўй бағрим чақади.

Дарё эдим оқмадим,  
Қүшдек қанот қоқмадим,  
Ёқдим бутун оламга,  
Нега сенга ёқмадим?

Сенга айт ким ёқади,  
Шу ўй бағрим чақади.

Майли нима бүлса ҳам,  
Омон бүлгин жонгинам.  
Севмасанг ҳам ўтиб тур,  
Усмон Бекнинг ёнидан.

Боқмасанг ғам боқади,  
Шу ўй бағрим чақади.

## БИЛМАС ЭКАНМАН

Меҳрим ҳам қаҳрим ҳам йўқ бу оламга,  
Бир кун сиғмаганман, бир кун сиққанман.  
Зорларим дўст экан оҳу нолангга,  
Зимдан севишингни билмас эканман.

Билардим қизларнинг хийлаю макрин,  
Гулдек табассумин, қировдек қаҳрин.  
Узокроқ тикилсам чиқарди жаҳлинг,  
Зимдан севишингни билмас эканман.

Гўллигим кечира олмайин ҳамон,  
Фикру ёдинг билан яшайман ҳар он.  
Эй кўнглим шохида сайраган армон,  
Зимдан севишингни билмас эканман.



## ГҮШАНГТА

Бир ҳид мени етаклаб, күчага олиб чиқди.  
Настарин маңзун турған, гүшага олиб чиқди.  
Капалак қанотида гүшангга олиб чиқди,  
Настарин-ла кафтдек тор гүшанггада ўтиридик.

Настариним сўради, маъюслигим боисин,  
Мен унга ўқиб бердим муҳаббат рубоийсин.  
Бизни бахтни пуллашиб, бойисалар, бойисин,  
Настарин-ла кафтдек тор гүшанггада ўтиридик.

Қитмирлар қилмишига қизишмадик, севгилим,  
Жон куйдирган дўст билан чиқишмадик  
севгилим.

Сен билан кенг дунёга чиқишмадик, севгилим,  
Настарин-ла кафтдек тор гүшанггада ўтиридик.

## РАҚС

Кулгичлари гул дасталаб,  
Киприклари күй басталаб,  
Қошларини пайвасталаб,  
Гулираňно ўйнаяпти.

Ёноғдаги ём билари,  
Ёнмаганни ёндиради.  
Жайронларни жовдиратиб,  
Гулираňно ўйнаяпти.

О, ўзбаки рақс жоду,  
Қадамидан ёғиб ёғду.  
Сайёд ўқи етмас оху-  
Гулираňно ўйнаяпти.

Малакми ул ва ё хурми,  
Дудоқ денгизми, тиш дурми?  
Узоқ бўлгай рақс умри,  
Гулираňно ўйнаяпти.

## ДАЛДА

Тик боқ суйган санамингга,  
“Севаман” де тутилмасдан.  
Тилинг бийрон бўлолмас, бил,  
Бу тўлғоқдан қутилмасдан.

Рози бўлса кулиб омад,  
Сеникидир сарвқомат.  
Кутилганда келмас омад,  
Омад келур қутилмасдан.

Ишқ дилда дард этса ато,  
Қувон, қайғурмоғинг хато.  
Тола қачон бўлган мато,  
Панжаларда титилмасдан.

Пишса бир кун ёзган хоминг,  
Усмон, майга тўлур жоминг.  
Иншооллоҳ қолмас номинг,  
Китобларга битилмасдан!

## ТҮЙ ОҚШОМИДА

Юзга чиққанлар ҳам түй күрай дейди,  
Илоҳо, кўришга улгурсин.  
Ўзбекни улуғ бир сўзи бор,  
Топганинг тўйларга буюрсин.

Қизини ёқтиrsa онаси,  
Келинини ўйлаб койиди.  
Тўйнинг шарофати мана шу ҳовли,  
Эртага бир қизга бойиди.

Ҳали бу хонадон жимлигин бузиб,  
Аллалар янграйди, худо хоҳласа.  
Олдидан ташвишлар чиқмайди сузиб,  
Икки ёш бир-бирга кўнгил боғласа.

Яхши ният билан дастурхон ёзиб,  
Тўй қилаётганлар омин десинлар.  
Ушбу шодиёнага келган бўлса ким,  
Улардек ниятга етсинлар.

## **НОЗАНИНИМ**

Икки юзинг лов-лов ёнар,  
Кўзларингда олов ёнар.  
Нозларингдан меҳрим қонар,  
Ноз қиласвер, нозаниним.

Маликасиз сарой бўлмас,  
Нози йўқда чирой бўлмас,  
Ҳаёт борки, севги ўлмас,  
Ноз қиласвер, нозаниним.

Қизга қилиқ ярашади,  
Бизга қуллук ярашади.  
Ёқсин юзинг оташлари,  
Ноз қиласвер, нозаниним.

Икки юзинг лов-лов ёнар,  
Кўзларингда олов ёнар.  
Нозларингдан меҳрим қонар,  
Ноз қиласвер, нозаниним.

## ТАНЧА ЁНИДА

Олов бўлсайдим, ушлолмас эди,  
Фанимлар бетлаб.

Ўтиб кетарди,  
Ўчоғим четлаб...

Олов бўлсайдим, чизардим шўх куй  
 chirмандаларга,  
Иситардим сув юрагин юзи,  
кир бандаларга...

Олов бўлсайдим, танчангга солиб,  
роҳатланардинг.

Одамман афсус, олов бўлолмам,  
Танчанг ёнига асло йўлолмам.

Февралнинг совуқ туни ботар кез,  
Шундай ўй билан музтар эдим мен,  
Ўтга айланиб, совуқдан тўнган,  
Оёқларингни иситмоқликни,  
Истар эдим мен, истар эдим мен...

## **КҮНГИЛ**

Чиннида чой ичдингиз,  
Сополида биз ичдик.  
Күнгил бизларда ҳам бор,  
Узр, бироз қизишдик.

Гиламдан буюрдингиз,  
Шолчадан туриб бордик.  
Күнгил бизларда ҳам бор,  
Юзимиз буриб бордик.

Эгарлатиб отингиз,  
Миндиримай ҳам кетдингиз.  
Манзилингиз бизларга,  
Билдиримай ҳам кетдингиз.

Ортингиздан бориш ё,  
Бормасликни билмадик.  
Бизга бирор зорми ё,  
Зормаслигин билмадик?..

Чиннида чой ичдингиз,  
Сополида биз ичдик.  
Күнгил бизларда ҳам бор,  
Узр, бироз қизишдик.

## СҮНГГИ ПАРВОЗ

Ёмғирпүшга бурканганда ёш-яланг,  
Биз ёр билан бөг кезардик бошяланг.  
Дилни тирнаб баҳордан гап бошламанг,  
Баҳоримдан тортиб олди мени ёз...

Баҳор сенсиз оламим бир кафт дала,  
Баҳор бағрим офтобингдан тафт талаб.  
Ёдга тушсанг туз тотмасам ҳафталаб,  
Ёш боладек овутиб олди мени ёз.

Баҳор, сувинг ёз болидан шириң деб,  
Айтиб бергин билай неда сириң деб,  
Йўлга чиқсан “йўқ-йўқ уйга кириңг” - деб.  
Остонамга ётиб олди мени ёз.

Ай, баҳорим, яна ёдга тушувдинг,  
Тишлаб олдим ёзни олма вужудин.  
Сен томонга сүнгги бора учувдим,  
Овчи бўлиб отиб олди мени ёз...

Ёмғирпүшга бурканганда ёш-яланг,  
Биз ёр билан бөг кезардик бошяланг.  
Дилни тирнаб баҳордан гап бошламанг,  
Баҳоримдан тортиб олди мени ёз...

## БИЗНИНГ СЕВГИ

Мен айтдим, сен билдинг, ой билди,  
Ой айтди дарё ва сой билди,  
Сой оқди мавжидек ёйилди,  
Катта бир қишлоққа севгимиз.

Тун күрди бир бўса олганим,  
Вужудим оловда қолганин,  
Эй қалбим оловга солганим,  
Сигмади қучоққа севгимиз.

Эшитиб қиличин қайради,  
Отангни газаби қайнади,  
Юрагим қафасда сайради,  
Тушганда тузоққа севгимиз.

Сўнг совчи аrimай ҳовлингдан,  
Маймунлар йиглади ҳолингдан,  
Нолидим мен отанг-золимдан,  
Ташлади ўчоққа севгимиз.

Тўйингда тўйгунча йигладим,  
Кўзларим куйгунча йигладим,  
Негадир, негадир билмадим,  
Бормади узоққа севгимиз...

\* \* \*

Учраса бирор гўзаллик,  
Кўзимни хафа қилмайман.  
Ойнага боққан гўзалдек,  
Ўзимни хафа қилмайман.

Чўкса бу кўнгил тўлмайди,  
Кўнгилни чўқтириб бўлмайди,  
Ўзимдан ўзга билмайди,  
Ўзимни хафа қилмайман.

Фуссага ботган одамлар,  
Faфлатда ётган одамлар,  
Тутади ўзига мотамлар,  
Ўзимни хафа қилмайман.

Кетганга куймас оқиллар,  
Бўлса бўлса узун кокиллар,  
Ранжитса майли жоҳиллар,  
Ўзимни хафа қилмайман.

Учраса бирор гўзаллик,  
Кўзимни хафа қилмайман.  
Ойнага боққан гўзалдек,  
Ўзимни хафа қилмайман.

## ГАПИМ ШУ

Сизга асло бермайман халал,  
Тикилсам гар олмангиз малол.  
Боққандирман балки шунчаки,  
Эй маҳлиқо, эй соҳибжамол.

Бу йўл кўхна, бизлар йўловчи,  
Бир-бирига меҳр йўлловчи,  
Сиз сайд эмас, мен эмас овчи,  
Эй маҳлиқо, эй соҳибжамол.

Сиздан сулув менинг ҳилолим,  
Мисоли сув-менинг ҳилолим,  
Ишқ бобида кулган иқболим,  
Эй маҳлиқо, эй соҳибжамол.

Ойга боқсам жилмаяди-ку,  
Етолмайман унга билар у.  
Ойдан ибрат олинг; гапим шу,  
Эй маҳлиқо, эй соҳибжамол.

## БИЛМАДИМ...

Севиб қолдим дейди, жуда күп ёшлар,  
Мен эса эшитиб ўйга толаман.  
Чап күксимда чаққан қайноқ чақмоқдан,  
Илондек ғужанак бўлиб қоламан.

Мен ҳам севган эдим ахир бир пайтлар,  
Қошига боролмай ўша сулувни.  
Сойнинг бу бетида кўзга суртардим,  
Санам у бетида кир ювган сувни.

Ҳамиша сақланган бизда масофа,  
Йўлда ҳам кетардик икки томондан.  
Аммо бир-бировни яхши қўрардик,  
Аммо бир-бировни севардик жондан.

Бугунги ошиқлар маъшуғи билан,  
Юришар бир-бирин пинжига кириб.  
Бўсалар олади севгилисидан,  
Ҳатто оталарин олдида туриб...

Юзларим ловуллаб кетади шунда,  
Ўғирлик устида қўлга тушгандай.  
Сизлар ҳам гувоҳи бўласиз буни,  
Билмадим ўзингиз тутасиз қандай?!



Жасур бўлиб ўсси Широқдек,  
Муқаннани ҳикоя қилинг.  
Беланчагин кўринг, қуриб тек,  
Болаларни ҳимоя қилинг.

## МЕХР

Чақырсанг отанғ боқмаса,  
Онангга шүхлик ёқмаса,  
Бундан күра яхши эди,  
Томирда қонинг оқмаса...

Мехр-бу бир қултум шабнам,  
Ичсанг лабинг бўлмайди нам.  
Шу томчини ҳам аяшса,  
Қандай алам, қандай алам.

Мурғак қалб бу-тиниқ жола,  
Мусаффодир ҳар бир бола.  
Беғуборлик оламига,  
Қарамангиз сира ола.

Кечиб ҳойу ҳаваслардан,  
Олинг тоза нафаслардан.  
Булбулчалар чаҳ-чаҳ урсин,  
Кутулиб тош қафаслардан.

Бани одам, бани одам,  
Сен ўзингни тани одам.  
Ўзингникини йиғлатма,  
Кулдириб ўзгани одам...

## **ХОМХАЕЛ**

Гар ой түшса осмондан,  
Норга мазза бўларди.  
Тунда ҳовлиларига,  
Тенгдошлари туларди.

Чунки нурли коптокни,  
Ҳар томон йўллаш мумкин.  
Катталар ухлаганда,  
Зўр футбол ўйнаш мумкин...

## **ОГОХЛАНТИРИШ**

Сира-сира қулоққа,  
Гилос османг болалар.  
Егани кеб чумчуқлар,  
Кетишади болалаб...

## **ГАП ОЛИШ КЕРАК**

Ари талаб Ваққосни,  
Шишиб кетди юз-күзи.  
Үғирликка тушганди,  
Полизга у бир ўзи.

Күзи тушиб дўстига,  
Кулиб дейди Арслон:  
“Кўй, ўғирлик қилма деб,  
Айтмабмидим, Карлсон...”

## **МУСАВВИРЛАР**

Қойиллатиб чизгандик,  
Оғиз, бурун, қош, қабоқ.  
Туппа-тузук одамга,  
Ўхшаб қолди ошқовоқ.

## ДАРС БҮЛМАДИ

Ғүрни еди, шүрни еди,  
Очкүз Али.

Доскадаги бүрни еди,  
Очкүз Али.

Түйдим демас, у қандайин,  
Очофатдир?

Бир синфни дарсдан қўйган,  
Касофатдир...

## ЧАТОҚ БҮЛДИ-ДА

Мазза қилиб чўмилдик,  
Бўғиб лойқа ариқни.  
Иштонига қум сепдик,  
Жажжи Шоди сариқни.

Йиглаб кетди уйига,  
Чиқармайин товушни.  
Бузиб ташлар ойиси,  
Келиб энди ҳовузни



Кулинг, то гашликка бош эгмасин дил,  
Табассум товлансин лабларингизда.  
Тўқсон йил яшайсиз, яшайсиз юз йил,  
Ҳазил учраса ҳар гапларингизда.

## ЭШИМ ПИЁН ҲАҚИДА ҲАНГОМА

Қочинг, қочинг, келаяпти Эшим пиён,  
Етказади ҳозир бирор заҳмат-зиён.

Оширади балли-балли деган саринг,  
Күй яхиси мақтама бу дардисарни.

Нафақани ичиб бўлар икки кунда,  
Номус ҳам йўқ, виждон ҳам йўқ, ор ҳам унда.

Барчасини ичиб қўйган, майга қўшиб.  
Май топмаган чоғларида чойга қўшиб.

Олтмишда ҳам очилмади кўзи унинг,  
Бир ўғли бор кўрсанг худди ўзи унинг.

Гоҳо ичар ота-бола уриштириб,  
Келин билан қайнонани юлиштириб.

Тугамайди айтсанг Эшим ҳангомаси,  
Ёзсанг катта китоб бўлур жангномаси.

У синдирган пиёлани саноги йўқ,  
У симирган шишаларни адоги йўқ.

Дўйончи ҳам яхши билар уни жуда,  
Ароқ берса қуяр темир куружкада.

Газак пазак керак эмас Эшимбойга,  
Бир тамшаниб қүяқолар қараб ойга.

Пишлоқ бўлиб кўринади ой маст учун,  
Ҳаракат қил Эшимбойдек ичмас учун!



## УРУШДАН КЕЙИН ТУФИЛГАН ОДАМ

Эски шиппакларни йиғиб юрарди,  
Қишлоқ аёлларин анойи қилиб.  
Бир кун эса орден-медал сўради,  
Ўша таниш лўли уйимга келиб.

Бир зумда ҳовлимиз одамга тўлди,  
Хотин-халаж ўраб олди лўлини.  
Бироз тинчланинг деб қўтарди шўрлик,  
Рўмол, латта-лачак тутган қўлини.

Роса Худо берди, қарияларга,  
Медалин рўмолга айирбошлади.  
Омади кулмади, бу борада лек,  
Ленинни билмаган ёшларни.

Бирорта орден ҳам олмагансиз-а,  
Келинингиз менга қовоғин уиди.  
Рўмолинг бошингда қолгур, хаҳ, лўли,  
Ғавғога тўлдириб кетдинг-а, уйни.

Инсоф-ла айтингчи, сизлар айб кимда,  
Мен урушдан кейин туфилган одам.  
Менга берармиди орденларини,  
Беш йил жанггоҳларда қон кечган отам...

## МАЙХҮРГА НАСИХАТ

Май ширин, май майнин,  
Дүстлиги тайин.  
Лекин хор бүлласан,  
Ичма тинмайнин.  
Учрайди дусту ёр,  
Ошно, биродар.  
Үтири, ич ва тарқа,  
Қадаң синмайнин.  
Сотувчи суймайди,  
Чүнтаги бүшни.  
Тугаса пулинг кет,  
Узоқ турмайнин.  
Эшикда гуноҳ йўқ,  
Беайб дераза.  
Ёз бўлса томда ёт,  
Уйга кирмайнин.  
Қиши бўлса хушингга,  
Келтирап аёз.  
Уйга кир, аксингга  
Итдек хурмайнин.  
Хотиним билмасин,  
Сирларим десанг.  
Ухлаб қол у билан,  
Суҳбат қурмайнин.

## МАЙОРНИНГ СЕРЖАНТТА НАСИХАТИ

Кувонма гар юлдузинг ортса,  
Ташвишинг ҳам ортади иним.  
“Энди ўртоқ Фалончиев” деб,  
Бошлиқ четга тортади иним.

Юклаб қўяр тоғдайин юмуш,  
Зир югуриб ҳар ён қатнайсан.  
Шунда бирор ҳазилкаш сафдош,  
Тегар жигга: “энди қандайсан?”.

Тор хонада тутунга тўйиб,  
Бўш вақтингга тутасан аза.  
Шивирлайсан кўчага қараб:  
-Кимга мазза, сержантга мазза...

## ЁШИМ ЎСГАН САЙИН

Гоҳ мен сўзни енгдим, гоҳо сўз енгди,  
Мени ўша оташ нигоҳ кўз енгди,  
Ўпкалади кўйлагимнинг бўз енги,  
Шоҳи кўйлак кийганларни кўрганда.

Ўзга уйга чироқ бўлди севганим,  
О, янаям йироқ бўлди севганим,  
Ўша куни билинди ғўр эканим,  
Сезиб қолдим шум янгалар кулганда.

Үйландим сўнг кўзларимни чирт юмиб,  
Токайгача онам юрар кир ювиб.  
Гоҳо куйиб шеър ёзаман, гоҳ қулиб,  
Шоир дилга қийин бўлди, бўлганда.

Ёшим ўсган сайин юрак увишар,  
Насиб этгайми яна туйғу қувишлар,  
Тинглаб қолинг сўзим гўзал бувишлар,  
Айтиб олай мен ҳам навбат келганда.

**УСМОН БЕК  
МЕНИНГ ТОҒЛАРИМ**

**Муҳаррир: Ҳ.Худойбердиева  
Мусаввир: М.Жамолов  
Мусахҳих: Ш.Эркабоев**

Теришга берилди 8.06.04 й. Босишга рухсат этилди  
2.07.04 й. Бичими 60×90/. Офсет босма усулида бо-  
силди. Шартли босма т. 3,0. 2000 нусхада босилди.  
Буюртма № 286.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигигининг  
Тошкент китоб-журнал фабрикасида чол этилди.  
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.